

ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА УЛЖАН ЗАФАРЛАР САРИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 13 (5617).

20
ЯНВАРЬ

СЕШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XVIII

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛАДИ.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

А Л А Н Г А Л И С А Л О М !

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бугун Тошкент область партия ташкилотининг XVIII конференцияси очилади. КПССнинг, Ўзбекистон Компартиясининг жанговар отрядларидан бири бўлган пойтахт области партия ташкилотлари ва коммунистлари ўзларининг бу катта фэрмуи сиёсий-маънавий ташкилотчилик ва авангардлик фаизатлари янада ўсган, ленинча Марказий Комитетимиз атрофига ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам жопслашган ҳолда келдилар.

КОНФЕРЕНЦИЯГАЧА ўтган давр КПСС XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурлишининг улугвор програми вазиқларининг амалга ошириши, тўққизинчи беш йиллик планларининг муддатидан илгари бажариши учун қаҳрамонона кураш, ижодкорлик, яратувчилик ишларининг ёрқин намунаси бўлди. Областиимиз эконоимиски ва маданияти янги юксакликка кўтарилди. Сановат корхоналарининг ишлаб чиқариши қуввати ошди. Янги завод ва фабрикалар, цех ва объектлар ишга туширилди. Уй-жой, маданият-машина буюлар, қишлоқлар қурлишин кент миқёсда олиб борилди. Область сановатчилари тўққизинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Беш йиллик планга қўшимча 580 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш директиваси тошйиринги 48,4 процент бўлгани ҳолда, 53 процента ўсди, маҳият унумдорлиги эса 33 процентдан ошди.

Ишлаб, хўжалиги меҳнаткашлари мардонавор меҳнат қилиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, айниқса пахта етиштириши йил сайини оширишмоқдалар. Улар об-ҳаво қийинчиликлари, табиий офат ва сув камчилигини моҳирона енгиб, экинлардан мўл ҳосил етиштиришмоқдалар. Деҳқончилик маданияти юксалмоқда, фан-техника ютуқлари, илгор тажрибалар ишлаб чиқаришга кўпроқ жорий этилмоқда. Саккизинчи беш йилликка нисбатан пахта етиштириши ўтган беш йилликда 21 процент, дон 11 процент, сабзавот 60, полн экинлари 25, картошка 34 процент, мева 2,1 марта, сўт 44 процент, гўшт 26, жуи 19, пилла 33 процент, туҳум етиштириши 2,3 марта ошди. Областиимиз пахтакорлари олгинан юксак социалистик мажбуриятини шараф билан адо этдилар. Она-Ватанга 430 минг тонна оқ олтинга етказиб берилди.

Сановат, қишлоқ хўжалиги, маданият, халқ фаровонлигини ошириш ва юксалтириши соҳасида эришилган муваффақиятлар партия ва ҳукуматимизнинг ота-ларча қилаётган меҳрибонлиги ва ҳам-қўрғилигининг ёрқин намунасикир. Область партия ташкилотлари ўзларининг бутун ташкилотчилик қобилиятларини сиёсий-хўжалик вазиқларининг тула адо этишига, меҳнаткашлар гайрати ва ташаббусини юксалтиришига қаратдилар. Ҳисобот даврида партия ташкилотлари сон ва сифат жиҳатдан ўсди ва мустаҳкамланди. Коммунистлар сари ишлаб чиқариш илгорлари ҳисобга ошди. Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий, партиявий-ташкиллий ишларини, идеология соҳасининг барча воситаларини ҳалқимизни коммунистик анъаналар, партия ва Ватан ишига содқоқ, муҳаббат, пролетар интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлиги руҳида тарбиялашга қаратдилар.

Пойтахт области коммунистларининг конференцияси мамлакатимиздаги барча областлар, ўлка партия ташкилотларининг конференциялари сингари унутмас тарихий кунларда бўлиб ўтмоқда. Тўққизинчи беш йиллик плани муваффақиятли якуланди. Мамлакатимиз коммунистик тараққиёт йўлида янги даврга қадам қўйди. Партияимиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин нутқида партиямиз социал-интисодий фаолиятининг галдаги энг муҳим вазиқларини белгилаб берилди. КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездида лойиҳаси мамлакатимизда янги сиёсий ва меҳнат кўтарилишлиги ва активлигини ошириб юборди. Унинг беш йиллик план лойиҳаси Ватанамиз кудратини, халқимиз моддий ва маданият турмуш шароитларини янада ошириш ва юксалтиришнинг порлок истиқболларини белгилаб берди.

Декабрь Пленуми қарорлари, ўиничи беш йиллик план лойиҳаси область партия конференциясининг бутун ишда асосий ўрни оломи керак. Партия XXIV съезди қарорларини бажариш йўлида қилинган ишлар муҳнома қилиниши билан бир қаторда, КПСС Марказий Комитети томонидан олдинкига қўйилган навбатдаги масалаларга алоҳида эътибор бериш керак. Бошланчи партия ташкилотларининг ҳисобот-саялов йиғилишларида, район партия конференцияларида партия ташкилотлари ва коммунистлар фаолиятда юксак талабчанлик, ишчанлик ва таъқидий нукта назардан ёндошиб, партиявий-ташкиллий, сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишларини янада яхшилаш, корхоналар, хўжаликлар ва жамоат ташкилотлари иш савиясини ошириш йўлида қилмақатли маслаҳат ва тақлифлар баён этилди.

Тўққизинчи беш йиллик, айниқса, унинг якуловчи йили натижалари шу нарсаини кўрсатмоқдаки, баъзи сановат корхоналари, хўжалик ташкилотлари, қурлиш трестлари, колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш, илмий-техника прогрессини юксалтиришга жиддий эътибор бермаётдилар. Натижада улар давлат планини бажармай, кам маҳсулот етказиб бермоқдалар. Бунинг асосий сабабларидан бири шунки, бу ташкилотларининг раҳбарлари, партия комитетлари ҳамон эскича методлар билан иш олиб бормоқдалар. Коллективга малакали раҳбарлик қилмаётдилар, ички имкониятлар ва резервларини ишга солимаётдилар, кадрларга нисбатан юксак талабчанлик йўқ. Оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар сусайтириб юборилган. Қолақ хўжаликлар ва ташкилотларининг раҳбарлари, айниқса, партия комитетлари бундан тегишли хулосалар чиқариб олишлари ва самарали ишлаш учун барча чора ва тадбирларини қурлишлари лозим.

1976 йил — тарихий воқеалар йили. Қаҳрамон халқимиз ўиничи беш йилликка забардаст олма ташлаб кириб келди. Партияимиз XXV съезди шарофига ҳамма ерда ажойиб ташаббуслар, ҳаракатлар жўш урмоқда. Умуҳалқ социалистик мусобақиси кенг қўлоқ ёйди. Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди арафасида турибмиз. Сановат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари ўиничи беш йиллик учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Булар ҳаммаси партия ташкилоти ишчанлигини, жанговарлик қобилиятларини ва маҳоратини янада оширишни, идеология ишларини замон талаблари асосида олиб боришни талаб этади. Ватанамиз қадам қўйган янги давр хўжалик ва маданият қурлишини кенг миқёсларда олиб боришни, жамоат ишлаб чиқаришнинг юксак даражада интенсификациясини талаб этади. Партиямиз ўиничи беш йилликни самарадорлик ва сифат беш йиллик қилиш вазиқларини кўчди. Бу эса илмий-техника жарабинини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш фондлардан ахишроқ фойдаланиш, кадрларининг маъсуфияти ва интизомини қучайтириш, партиявий-ташкиллий ва идеология ишлар савиясини янада оширишни, барча соҳаларда иш услубини такомиллаштириш гозий-сиёсий ишларини ҳаёт талаблари билан бевосита боғлаб олиб боришни тақозо этади.

Ўз атрофига салкам 145 минг коммунистини жипслаштирган Тошкент область партия ташкилоти ленинча партиямиз Марказий Комитетига чексиз содқоқти ва муҳаббатини яна бир бор намоийш қилади. Бутун куч, талант ва маҳоратини партия, Ватан ишига сафарбар этади. КПССнинг XXV съездининг муносиб кўтиб олади.



Я Н Г И Р А Й О Н О Д И М И

Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари
Юсуф ТОЛИПОВ билан суҳбат

РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари ўиничи беш йилликнинг биринчи йили тошйиринларини бажаришга киришмоқдалар. Республикаимиз пойтахти Тошкент шаҳрини ва сановат марказлари аҳолисини сифатли ва мўл-кўл сабзавот, картошка, мева, узум, қовун-тервус ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга аҳд қилган сабзавоткорларимиз янги гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар дастлабки йил ҳар гектар майдондан олинмадиган ҳосилдорлигини 740 центнерга етказиш, маҳсулот етиштиришини 83 минг тоннадан ошириш учун беш боғларинлар

РАЙОНИМИЗ коммунист ва комсомоллари ҳар бир ишда Пешкадам ва ташкилотчи бўлмоқдалар. Бу йил 24100 тонна картошка, 2500 тонна қовун-тервус, 8500 тонна

мева, 5500 тонна узум етиштириладди. Районимиз пиллакорлари ҳам маҳсулнинг зўр таъйирларини қилиб қарши олмақдалар. Улар бу йил ҳар бир кўти қурт ургидан 60 килограмдан пилла олинига, давлатга 120 тоннадан ортиқ қимматли том ашё етказиб бериш учун курашадилар. Пилла қуртларини юксак агротехника қондаларини асосида парвартириш тўғрисида йўналиш берилган маҳсулот янада кўпаяди.

Район хўжалиқларини ўтган беш йилликда ҳам меҳнатда ажойиб муваффақиятларини қўлга киритдилар. Деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планда белгилангандан анча ошириб бажарилди. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Карл Маркс «Ленин йўли», Охунбобоев номи ва бошқа бир қатор хўжалик меҳнаткашлари беш йиллик планларини 4—4,5 йилда адо этдилар. Бу хўжаликларда илгорлар тажрибасини кенг ёйиш, фан ютуқларидан самарали фойдаланиш тўғрисида сабзавот, картошка ва полн маҳсулот етиштириш ҳосилдорлиги 4,5—2 баравар ортди.

Янги беш йиллик социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш, ерлар унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўлайлигини режалари билан ишлаган сабзавоткорларимиз ички имкониятларини кенг қўлаб олиб, ердан, техникадан, ўқитилардан аҳд фойдаланиб, маҳсулот етиштиришнинг янада қўлайлигига аҳд қилганлар. Ҳозир улар сабзавотчиликда илгор технологияни жорий этиш, унн хитислаш ва комплекс механизациялаш соҳасида қатор ишлар бажариладди.

Районимизда деҳқончиликнинг юксалтиришнинг, чорвачиликдан мўл маҳсулот олаётган, боғдорчилик ва узумчиликнинг ривожлантиришнинг ажойиб миришорлар, соҳибкор ва чорвадорлар бор. Улар йил сайин ўз соҳаларда янги тадбирларни амалга ошириб, юксак кўрсаткичларга эришишмоқдалар

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номи Қозон Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исҳоқова ўтган йил ҳар бир гектардан 5110 килограмдан сўт соғиб олинига эришди. Шу қолғоздан Қутуби Файзулова, К. Маркс номи колхоздан Мовжуда Хожиева каби моҳир сўт соғувчилар 5500—5900 килограмдан сўт соғиб олдилар.

Янги беш йилликда районимиз сабзавоткорлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг янада қўлайлиги, меҳнаткашларини илмий бий сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун гайрат ва матонат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Теплица хўжалиқлари қурини кенгайтириш, ҳар квадрат метр ердан олган ҳосилдорлиги ортади.

Районимиз меҳнаткашлари беш йилликда ана шундай катта ишлар билан ишамолқдалар.

БУЮК ПАРТИЯМИЗНИ БУТУН

ЧОРАЛАР БИЛАН МУСТАҲ-

КАМЛАШ, УНИНГ ХАЛҚ БИ-

ЛАН, ОММА БИЛАН АЛОҚА-

СИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ

БИЗГА УЛУФ ЛЕНИН ВАСИЯТ

ҚИЛГАН.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

А К Т И В Л И К В А И Ш Ч А Н Л И К В А З И Я Т И Д А

Қорақалпоғистон, Самарқанд, Фарғона областлари партия конференциялари бўлиб ўтди.

Конференцияларнинг делегатлари область партия комитетларининг ҳисобот докладыни ва КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездида лойиҳаси ҳақидаги докладларни муҳокама қилдилар.

Докладчилар ва музокараларда сўзга чиққан делегатлар КПСС Марказий Комитети ва унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг Ватанамиз куч ва қудратини ошириш, халқ фаровонлигини юксалтириш, маҳсулот мустаҳкам тивчилиги, ўрнатилган йўналиш олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қизғин муҳокама қилдилар.

Делегатлар ҳисобот даврида қилинган ишларга юксак баҳо бердилар. Шу билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни юрсатиб, областлар эконоимисини ва маданиятининг ривожлантириш йўлида амалий тақлифларни баён этдилар.

Конференцияларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияларда область партия комитетларининг биринчи секретари қилиб Ф. Ш. Шамсутдинов, иккинчи секретари қилиб В. П. Есин, область партия комитетининг секретарлари қилиб Т. Р. Абдуқуиров, Н. К. Юсупов ва К. Каримов сайландилар.

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари қилиб Ф. Ш. Шамсутдинов, иккинчи секретари қилиб В. П. Есин, область партия комитетининг секретарлари қилиб Р. У. Қосимова, М. Умаров, О. А. Алиханов ўртоқлар сайландилар.

Қорақалпоғистонда область партия комитетларининг биринчи секретари қилиб Қ. К. Камолов, иккинчи секретари қилиб В. В. Кислов, область партия комитетининг секретарлари қилиб К. Рызаев, Х. Матқаримов ва А. П. Федоров сайландилар.

Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари қилиб Б. Р. Раҳимов, иккинчи секретари қилиб В. П. Есин, область партия комитетининг секретарлари қилиб Т. Р. Абдуқуиров, Н. К. Юсупов ва К. Каримов сайландилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XVIII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ОБЛАСТИМИЗ ЭКОНОМИКАСИ ВА

КОММУНИСТЛАР НАМУНАСИ

ОБЛАСТИМИЗ партия ташкилотининг бу- гун очилган конференцияси тарихий кунларга туғри келди. У тўққизинчи беш йилликка яқин аслаган, янги янада улкан вазифаларни ҳал қилиш режаларни тузилган ўн иккинчи беш йиллик бошланган, бутун мамлакатимиздаги каби областимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳам партиянинг навбатдаги XXV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси ажз олиб кетган бир пайтда ўтати.

Шуни қувонч билан қайд қилиш керакки, областимиз коммунистлари халқ хўжалиги ва маданиятнинг тармоқларини ривожлантириш бўйича белгилаган барча вазифаларини бажарилишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу йўлда бораётган умумхалқ курашига бошқош бўлмоқдалар. Уларнинг фидокорона ишлари билан ҳамма меҳнатқошларни унували ва сифатли меҳнат қилишга ундамоқдалар.

Бунинг билан бирлашамиз ҳисолида ҳам яқин кўриш мумкин. Коммунистларимиз ишлаб чиқаришда кўрсаткичларини муттасил яхшилаш оқибатинда коллектив олиб бораётган курашда авангардлик қилмоқдалар. Уларни тошқиритган вазифани сўзлашган бажаришди. Меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Жамоат ишларида фаол иштирок этишди. Оммавий-сиёсий тарбиявий ишларни олиб боришда корхона партия комитетига яқиндан ёрдам беришди. Коммунистларимизнинг кўп қиррали фаолияти коллективимиз олдига турган барча вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида катта роль ўйнамоқда. Бунинг тўққизинчи беш йиллик ажулари яқин кўрсатиб турипти.

Ўтган беш йилликда корхонамизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Қатор ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, оғир операцияларни амалга ошириш, меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган жуда кўп ишлар қилинди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш юзасидан кўрилган чораларнинг самараси яқин бўлди.

Шу тўғрисида ҳам коллективимиз тўққизинчи беш йиллик ва унинг якуловини йил планларини муддатдан анча илгари шараф билан бажарди. Умуман беш йиллик мобайнида иш-хизматчилар сонини кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтириш бўйича планда белгилаган тошқирит 140 процентни асосан адо қилди. Махсулот реализацияси ҳам жамиятнинг ҳар қандай орти. Меҳнат унумдорлигини ошириш 17,5 процентини ташкил этди. Бу планда белгилаганга нисбатан салкам 5 процент кўпдир. Беш

йиллик давомида пландагидан ташқари 8 миллион сўмлик махсулот релазацияси қилинди, кишлоқ хўжалик меҳнатқошларига 99 минг тонна минерал ўғитлар етказиб берилди.

Коллективимизнинг тўққизинчи беш йилликда фидокорона меҳнати катта баҳо берилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети иш-хизматчиларимизни бу улкан галаба билан қизғин табриқладилар. Қўллов коллективимизга ғайрат-шиқратини янада ошириб юборди. Бунга жавобан ишчиларимиз ўн иккинчи беш йилликда махсулот ишлаб чиқариш кўпайтириш бўйича белгилаган мазорларга бераётган эришиш учун социалистик мусобақа байрогини янада баланд кўтармоқдалар.

Бирлашамиз коллектив эришган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган коммунистларимиз номини қувонч билан тилга оламиз. Қарбамид цехининг коммунист Б. Н. Ёлдиёнов раҳбарлигидаги смена коллективини ўтган беш йилликда жуда яхши ишларди. Биргина 1975 йилда бу смена пландагидан ташқари 3 минг тонна қарбамид ишлаб чиқарди ва 5 минг сўмлик ҳам ашё материалларини тежаб қолди. 3-цехнинг моҳир ташкилотчи, устоз, КПСС аъзоси Т. Тененов бошчилигидаги сменаси факатгина тўққизинчи беш йилликнинг якуловини ҳисобда қўшимча 5,5 минг тоннага яқин селитра ишлаб чиқариб, 22 минг сўмлик яқин иқтисодий самара қўрди. Коммунистлар раҳбарлик қилаётган қатор бошқа сменалар, уларнинг, цехлар коллективларининг ҳам меҳнат кўрсаткичлари юксак бўлмоқда. А. Абдуллаева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ж. Шерқибоев, Г. Колосова, Г. Бочкова, Ю. Недбайло, Е. Овчинникова ва бошқа шу каби унвал, юзлаб коммунистларимиз мардона меҳнат қилишди.

Коллективимиз ўн иккинчи беш йилликни ҳам яхши бошлади. Ишлаб чиқаришнинг бир меърада боришига эришилганлигини учун ҳар кун қўшимча махсулот тайёрлашга муваффақ бўлимоқда. Январ ойининг ўтган кунларида пландагидан ташқари юзлаб тонна аммиак селитраси, минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиди. Йил давомида эса белгилагандан ташқари ҳаммаси бўлиб 2 миллион сўмлик махсулот реализация қилиб, 33 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қилинди. Коллективимиз элбатта бу вазифанинг устидан чиқди, юзлаб ва совокларга етказиб берилаётган ер хамиртурушини тинмай кўпайтириб бораверади.

Ю. А. СОБОЛЬ,
Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени Чирчиқ «Электротехпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ЧОРВАЧИЛИК хўжалигини салмоқли ўринини эгаллайди. Ўтган йилда махсулотнинг ортиб бораётган Илгорлар — таърибаси, зооветеринария фани ютуқларини жорий этаётганлигини тўғрисида яхши натижаларга эришмоқдамиз. Хозирги кунда фермаимизда 140 соғин сиғир бор. Тўққизинчи беш йилликнинг якуловини ҳисобда бу соғин сиғирларнинг ҳар бирдан пландаги 3252 тонна ўрнига 3347 тоннадан сут соғиб олдиди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир сиғирдан соғиб олинган сут 1974 йилдагига нисбатан 95 килограммданга кўпайди. Илгор сут соғувчилар П. Попова, Кузнецова, А. Тугабоева, У.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ГЎШТ, СУТ КЎПАЯДИ

Қодировалар бу йил 3500 килограммдан сут соғиб олиш ниятдадилар. Агар ўтган йили давлатга 498 тонна сут топширган бўлсан, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида 500 тонна сут соғиб олишга аҳд қилдик. Ҳар бир сут соғувчи КПСС XXV съезди шарафига ўз анимасига конкрет мажбуриятлар олган ҳолда мусобақаланиб, меҳнат қилаётган. Ферма бўйича кун-



Эргаш ОРИПОВ, Ормонқидда районидagi «Қиёрай» совхозининг ферма мудир.

БЎСТОНЛИҚ АТРОФИДАГИ «НОВГОРОД»

Бўстонлик районда янги картошкаторлик хўжалиги — «Новгород» совхозини ташкил этилди. Иштирослаштирилган бу хўжалик учун 350 гектар ҳайдаладиган ер ажратиб берилди. Бу — Чатқол тоғ оёқларидаги унумдор зонада «Ташобсадвинсовхоз» трестга қарашли иккинчи картошкаторлик совхоздир. Ҳар янги хўжалик «Новгород» ва Собир Раҳимов номли қолхозлар бу йил дастлабки ҳосилни еттиштирилди. Тошкент агросоҳаот бирлашмасининг совхозлари бу йил ўтган йилдагига нисбатан анча ортиқ — уч минг гектар картошка экиладиган ер ажратилди. Ана шу майдонларнинг тенг ярмига эрта пишар картошка экилади.

Е. М. ШАХМАТОВА, соғинчи сақлаш алоқисчи.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

БУРЧ ОЛГА ЧОРЛАЙДИ

ЎТГАН йили Тошкентда СССР Медицина фанлари академияси билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўмаги билан сессия бўлиб ўтган эди. Бу катта илмий мусобақанинг биринчи йилида ҳам яқиндан таъриф билан ҳам яқиндан таъриф билан Тошкент вақиди ва зардоблар институтини шифокорларнинг қўлга киритаётган ютуқлари мамнуят билан қайд қилинди.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- ✦ **ЎТГАН** беш йилликда 46-ласта молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 500 миллиард сўмлик капитал маблаг ўзлаштирилди. 64 та янги соҳаот корхоналари ишга туширилди. 6,5 миллион квадрат метр турар жой, 144,5 минг ўринли мактаб, 45 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари фойдаланишга топширилди.
- ✦ **1975 ЙИЛДА** областда 1970 йилдагига нисбатан пахта ҳосилдорлиги 4,5 центнер ортиди. Ўтган йили янги ҳосилнинг 72 проценти машиналар ёрдамида тери олинди. 28 колхоз ва совхозларда машина терими 80 проценти ташкил этди.
- ✦ **ЎТГАН** йили област бўйича ҳар бир сиғирдан 2870 килограммдан сут соғиб олинди. Бу 1970 йилдагидан 935 килограмм кўп демакдир.
- ✦ **ОБЛАСТДА** 12,2 минг бош қорамолга мўлжалланган 20 та сут комплекслари ва 10 минг бош бузоққа мўлжалланган комплекс ишга туширилди.
- ✦ **ЎТГАН** беш йилликда кишлоқ хўжалиги тармоғидаги янги даромад 390 миллион сўмни ташкил этди. Бу саниқинчи беш йилликдагидан 87 миллион сўм кўпдир.
- ✦ **ОБЛАСТДА** 650 минг ўқувчининг ўз бағрига олган мингдан ортиқ мактаб мавжуд.
- ✦ **ҲОЗИР** областда КПСС аъзоси ва аъзолигига кандидатларнинг 67 проценти моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган.
- ✦ **САККИЗИНЧИ** беш йилликка нисбатан тўққизинчи беш йилликда областда пахта етиштириш 21 центнер, дон — 11, сабзот — 60, полша махсулотлари — 25, қорпоша — 34, сут — 44, гўшт — 26 процент кўпайди.
- ✦ **КУЙИ ЧИРЧИҚ** райони 1975 йилда гектаридан 41 центнердан пахта ҳосили олишга эришди.
- ✦ **1975 ЙИЛДА** областда 1970 йилдагига нисбатан пахта ҳосилдорлиги 4,5 центнер ортиди. Ўтган йили янги ҳосилнинг 72 проценти машиналар ёрдамида тери олинди. 28 колхоз ва совхозларда машина терими 80 проценти ташкил этди.
- ✦ **ЎТГАН** йили област бўйича ҳар бир сиғирдан 2870 килограммдан сут соғиб олинди. Бу 1970 йилдагидан 935 килограмм кўп демакдир.
- ✦ **ОБЛАСТДА** 12,2 минг бош қорамолга мўлжалланган 20 та сут комплекслари ва 10 минг бош бузоққа мўлжалланган комплекс ишга туширилди.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

КАСБИМ — БАХТИМ

ТУРСУНОЙ опаимизга, ер-шиб, механизаторлик касбининг ўрганиб, ишлаётганимга ўн йилдан кўп бўлди. Бу касбин ердоқлаш учун қу-ғайратимни амасдан меҳнат қилиб келмоқдам. Ҳар йили зиммага олган социалистик мажбуриятимни ортиқ билан бажараман. Ўтган йили комсомол киз Шекер Ҳатамова билан мусобақаланиб, махсулот 130 тоннага етказиб «оқ олтин» тердим. Районимиз коммунистлари мени област конференциясига делегат қилиб сайлаган экан, уларнинг бу ишончига фидокорона меҳнат билан жавоб бераман. Хозир колхозимизда иш қизғин. Бригадамиз аъзолари қишқи табдилларни қўриб, мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўтган йилдагидан кўра, юқори кўрсаткичга эришиш учун шу кунларда қилинадиган ишларнинг сифати алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ганимат кунлардан унували фойдаланиб, кўндала таёғерликни намунали ўтказмоқдамиз.

Хайри **АЛИМБЕКОВА,** Янгийўл районидagi Фрунзе номи колхозининг механизатори.



«ЛЕНИНСКИЙ ПУТЬ» колхоз Юқори Чирчиқ районда хўжалиги ривожланган, кишлоқлари маданият-ли, аҳолиси меҳнатқаш кишлоқлардан иборатдир. Улар КПССнинг XXV съезди бўладиган йилда ҳам катта ютуқларни қўлга киритиш учун шу кунларда астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ирригация шохобчаларини тартибга келтириш ишлари жадал бормоқда. Колхоз устахонасида ремонтчилар социалистик мусобақани кузайтирган ҳолда астойдил ишлаётганлар. Бунда Назира Қарнибоева, Пулат Оқдулов каби тракторчилар далада қандай меҳнат қилган бўлсалар шундай ғайрат кўрсатиб курашаётганлар. Суратда: (чапдан унгга) Н. Қарнибоева, П. Оқдулов.

Н. Глауберзон ва В. Свроткин фотолари.

ПАРТИЯ — ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ МАДАДКОРИ

КОММУНИСТИК партиямиз қайси масалада қарор қабул қилмасин, у совет кишлоқлари дилидаги режа ва мақсадларнинг ифодаланган бўлади. Шу сабабли ҳам биз партия планларини қўй-қувватимиз, билим ва таърибимиз, ғайрат ва маҳоратимизни аъвай бажариш учун курашамиз. КПСС Марказий Комитетининг март (1965) Пленуми қарори кишлоқ хўжалигини барча соҳалар бўйича мислсиз ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган программасини чиқиб берган эди. Қувонч билан шунинг янги мумкинлиги, ўтган ўн йилдан кўпроқ яқин кўриш мумкин. Бунинг билан шунинг юқори кўрсаткичга эришиш учун шу кунларда қилинадиган ишларнинг сифати алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ганимат кунлардан унували фойдаланиб, кўндала таёғерликни намунали ўтказмоқдамиз.

лиқнинг якуловини ҳисобда 1120 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,3 центнердан оқ олтин янгиб олинди. Ерларимиз ўша-ўша ўзимиз билан ерлар, лекин, деҳқонларимиз чинакамга жон қуйиб ишлаётганлар. Шу сабабли улар бошчилик қилаётган бригадаларда пахтадан мўл ҳосил олишга ва танархис анча кам бўлмоқда. Коммунист Жумамкул — Пиримқулов бошчилик бригада аъзолари 142 гектар ернинг ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил янгиб олдидилар. Коммунист Наим Абдуазизов бошчилик қилаётган бригада ҳосилдорликда иккинчи ўринни эгаллади. Хўжалигимизда пахтачилик билан бир қаторда қорамчилик ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Колхоз правленисеи ва партия ташкилоти хўжалигини комплекс ривожлантириш асосида иш олиб бораётган. Илгорлар қорамчилик бир мунча зарар келтирадиган соҳа бўлиб, пахтадан оладиган даромадимизга шериқин бўлиб келарди. Эндиликда у фойда келтирадиган тармоққа айланди. 1974 йилда ҳар бир сиғирдан 2.705 литрдан сут соғиб олинган бўлса, бултур 3.019 литрдан сут соғилди. Гўшта топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 120 кило-

граммин ташкил этди. Биз ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили гўшт топшириш планини ана шу даражада январ ойининг охирида тўла адо этиш учун бурдоқига қўйилган молларни семиртириб боқмоқдамиз. Тўққизинчи беш йиллик давомида она-Ватанга пландан ташқари 6 минг тонна пахта етказиб берган ва бу йил 4.816 тонна пахта етиштириш, гектардан олинган ҳосилни 43 центнерга етказиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилган колхоз аъзолари кўндала энинг кампанисига пухта тайёрланаётганлар. Шу кунларда КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди шарафига мусобақа кучайтирилган. Зовур тозалани, ерларин капитал текислаш, далаларга органик ўғитларни қўлиб чиқариб солиш, экинзорларини кенгайтириш тадбирларини курайтириш.

Мамлакатимизга ҳар йилдан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш учун бундан бундан ҳам курашавормиз.

Х. ЭРГАШЕВ, районидagi Ҳамид Олжон номи колхоз раиси, конференция делегати.

Янги санаот махсулоти 159%

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши

100%

Пахта 2089

/МИНГ ТОННА ҲИСОБИДА/

1813

МИНГ

Сабзавот 1581

/МИНГ ТОННА ҲИСОБИДА/

1290

МИНГ

Машина хизмати 84440

/МИНГ СЎМ ҲИСОБИДА/

82938

МИНГ

Тўққизинчи беш йилликда областимизда санаот махсулотлари ишлаб чиқариш, пахта, сабзот етиштириш, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш анча ўсиб кетди. Юқоридagi диаграммаларда ана шу кўрсаткичлар ифода этилган.

МАДАНИЯТНИНГ ЯНГИ РАВНАҚИ УЧУН!

КАФОЛАТ

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводда мураббийлик ҳаракати кенг аж олган. Корхонада ташкил этилган мураббийлар кенгаши ўз атрофида қўллаб-қувватловчи таълим тартибларини бирлаштирди. Бундан ташқари, қўн йиллардан бери меҳнат қилиб келган ҳар бир тажрибачор ишчи иккинчи ўн кўн йилларини оталиқларига олишган. Улар ўзларининг бой тажрибаларини ана шу ёшларга қўн билан ўргатишяпти. Бу эса корхонага янги келган йилги ва қизларнинг танлаган касбларини тез ва пухта ўрнатиб олишларига, завод ишлаб чиқариш планларини ошириб, бажарилишига самарали таъсир кўрсатади.

Фозил Солиҳжаев ана шундай меҳрибон мураббийларнинг бири. Фозил ака корхона оstonасига қадам қўйганга роса қирқ уч йил бўлди. Унинг бу давр ичинда тайёрлаган шогирдлари юздан ошиб кетди. Суратда: Ф. Солиҳжаев шогирдлари даярасида.

В. Молтачев фотоси.



РАЙКОМ ВА МУСОБАҚА

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида лойиҳасида: «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши изчиллик билан муттасил интенсификацияси, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамлаши. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қишлоқ хўжалигини химиялаш ва ерларни мелiorациялаш кенгайтирилиши. Фан, техника ва илгор тажриба ютуқларини жорий этиш тозлаштирилиши. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш формалари такомиллаштирилиши, дейилган.

Район партия ташкилоти коммунистлар, қишлоқ меҳнатқиларни эътиборини ана шу муҳим масалаларга қаратди.

Утган беш йиллик даврида ҳам бу борада таъйинга ишлар қилинди. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш, резервлардан тўлороқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик муассасани ривожлантириш тадбирлари қўрилди.

Натижада саноат маҳсулотининг умумий ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли равишда йилликдагига нисбатан 176,3 процентга ўсди. Маҳсулот сифати яхшиланиб, техника дарамаси сезиларли кўтарилди. Шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ўтган беш йилликка нисбатан 9,1 процентга ошди.

Айниқса, қишлоқ хўжалигини кенгайтириш йўлида катта оқимлар ташкилданди. Район пахтакорлари тўрт йилда беш йиллик топширини зиёдадан ошди. Беш йил давомида 144046 тонна «оқ олтун» давлатга сотилди, план 120,3 процентга адо этилди. 1970 йилда ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этган бўлса, 1975 йилда бу рақам 38,2 центнерга етди.

Тўққизинчи беш йилликнинг якуновчи йиллида «оқ-ҳаво» қийинчиликларига қармай, оптин қўлчи пахтакорлар улкан зирмон ўйиб, халқ хўжалик планини 122,2 процент бажардилар, айниқса, «Полиотдел» колхозининг заршунослари қўшган ҳисса барқарор бўлди. Бу хўжалиқда ҳар гектар ердан 42,6 центнердан ҳосил олинди. Кўпгина бригада коллективлари 45—50 центнердан ошириб зирмон кўтардилар. Шунингдек,

«Правда» колхозининг азаматлари ҳам 39,3 центнердан «оқ олтун» етказиб, катта муваффақиятга эришдилар.

Коммунистлар ҳар соҳада авангард, етакчилик қилдилар, янги-янги ташаббуслар билан чиқдилар. Айниқса, 50 центнерчилик ҳаракати яхши самара берди. КПСС аъзоси, «Полиотдел» колхозидан Чен Чир Сен, Ш. Шосолмонов, Ким Ген Нен, «Правда» колхозидан СССР Олий Советининг депутати Анатолий Кан, «Ленинский путь» колхозидан Григорий Цой ўртоқлар бошлик бригадаларда 50—54 центнердан ҳосил олинди.

Район партия ташкилоти ўз фаолиятини илгорлар тажрибасини омиллаштириш, улар ташаббусини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берди. Илгим-терим масъули бошланишдан олдин «Правда» колхоз илгор механизаторлари районининг барча механизаторларига мурожаат билан чиқдилар. Унда машина, механизмлардан унум билан фойдаланиш масаласи кўтарилган эди. Район партия ташкилоти бюро йилгиликда бу ташаббусини маълум қилди. Ибратли тадбирини бошқа хўжалиқларда ҳам қўллашга қарор қилинди. Натижада колхоз ва совхозларда машина, механизм, терим агрегатларидан тўлороқ фойдаланишга муваффақ бўлинди. Кўпгина хўжалиқларда 90 процентдан ортиқ ҳосил «ангори» неваларда териб олинди. «Ўзбекистон» колхозининг аъзолари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. Қодиров, А. Ражапов, Саердов номи хўжалиқдан А. Цой, Л. Куроев, Ш. Қипчоқбоева, «Полиотдел» колхозининг илгор механизаторларидан В. Тақийн, В. Ким, Л. Ким, «Правда» колхоз аъзоларидан А. Тўрғунбоев, П. Пяк ва бошқа ўртоқлар доимо пешқадамлар сифатида бордилар.

Районимизда давлатга сўт ва жун сотиш бўйича беш йиллик план ҳам тўрт йилда адо этилди. Шунингдек, чорвачилик базаси бир мунча мустаҳкамланди. «Оқ-ҳаво» шартини оғир бўлаётган кейинги икки йилда ҳам лубкорлар ва пиллачиликларимиз топшириқни зиёдадан ошди. Бу адо этишга муваффақ бўлдилар. Беш йиллик даврида давлатга дон, гурuch, маккамқорини дон ва сабзавот

сотиш анча кўпайди. Шунингдек, чорвачилик ва деҳқончилик бўйича рентабеллик йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу муваффақиятлар албатта, партия ташкилотларининг совет ва хўжалик органлари билан ҳамкорликда олиб бораётган самарали ишларининг намунасиридир.

Учинчи беш йилликда район меҳнатқиларини олдига катта ва мураккаб вазифалар турбди. Бу вазифаларни бажариш учун биз партиязвий ишнинг услуб ва методларини тинмай такомиллаштириб боришимиз талаб этилди.

Фан-техника ютуқларини жорий этиш партия ташкилотлари фаолиятларида муҳим роль ўйнамоғи лозим. Жумладан, қишлоқ хўжалиги зараркунамдаларига қарши курашда биологик методдан кенг фойдаланиш, сувчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг муносиб ўринбосарларини тайёрлаш, шу билан бир қаторда механизмлардан рақсон фойдаланиш лозим. Бу вазифаларни адо этиш йўлида хўжалик, муассаса, корхона партия ташкилотлари катта ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларини амалга ошироқлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети районимиз колхозчилари, совхоз ишчилари, барча меҳнатқиларини катта меҳнат талабчиси — давлатга паста сотиш беш йиллик халқ хўжалик планини 120,3 процент қилиб бажаришларимиз билан самимий табриқларини районимиз меҳнатқиларининг марраларга руҳлантириб юборди. Биз ўз зимманимизга оширилган социалистик мажбурият олдик. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 42 центнердан «оқ олтун», 200 центнердан қаноп, ўтган йилга нисбатан ҳар бир гектардан 22 центнердан ортиқ «қарабоғ дони», ҳар беш сиктардан 3600 килограмдан сўт сотиб олишга қарор қилдик.

Бу маррани мундатидан олдин ағзалаш учун ўзинич беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ ижодий меҳнатни қучайтириб юбордик.

М. ҚОДИРОВ,
Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- ОБЛАСТИМИЗ саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш планини мундатидан 4 ой аввал мамлакатда биринчилар қатори бажарди.
- УТГАН беш йилликда пландан ташқари 580 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинди.
- ТўҚҚИЗИНЧИ беш йиллик мубайнида ишлаб чиқариш сифати анча яхшиланди. 400 дан кўпроқ корхонанинг маҳсулотларига давлат сифат белгиси берилди.
- БЕШ йилликни муваффақиятли бажариш учун аввал олдиндан социалистик муСОБАҚАДА 700 мингдан кўпроқ киши қатнашди.
- ОЛМАЛИҚ туғ-металлургия комбинати, «Тошкентга» бия, «Ташселмаш» заводлари, Тошкент туқинчилик комбинати, Ангрэн қўним разрез, «Малик» трикотаж фирмаси коллективлари муСОБАҚАДА гоубликни қўлга киритдилар.
- ИККИ беш йилликни бир



ЗАВОДИМИЗДА ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотлар рўзгорда кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам заводимиз рўзгор химияси корхонаси номин олган.

Сифат учун курашда биз, контролёрларнинг озми-кўлими ҳиссамаз борлигидан фахрланамиз. Маҳсулотлар

риймизнинг харидор қўлига сифатли етиб бориши қўн жиҳатдан маъсулиятни чуқур ҳис этганимизга боғлиқ. Ҳамкасбларим номидан айтиним мумкин, биз ўз вазифамизни сидқидан адо этишимиз. Кейинги йилларда корхона адресига келадиган рекламацияларнинг кескин қайиғишига, бир томондан, сифатли хомаше олаётганимиз, коллективнинг сифат учун курашини кенгайтириши сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан бу назоратчиларнинг ўз вазифаларини бажаришда маъсулиятни ошганлигини кўрсатади.

Мен заводда 1971 йилдан бери ишлаяман. Ундан аввал Новоқузнқ металлургия заводида 14 йилдан бошлаб контролёр бўлиб ишлаганман. Корхонамизда мураббийлик ҳаракати кенг аж олган. Жумладан, ўзим Натанша Ражкова, Татьяна Швандло, Зоя Хван каби шогирдларим билан фахрланаяман.

БАҲОР офтоби елкани қиздириб, тут дараклари шокига маржон таққан ёқимли кунлар. Табнат енгил либосда. Бир тўда болалар мактабдан қайтаётиб, ҳар кун шу тут тағида ўймалашдилар. Улар портфелларини чека-чеккага қўйиб, бирлари шодан-шохага ўтиб тут қоқди, ердигилари қий-чув қилиб уни теришади. Ҳар баҳор шу манзара тасвирланади.

Баланд бўйли, қорачадан келган, олтишлардан ошган киши хушбичими мўлабани бурди:

— Ҳа, шувойлар, тут егиларини келиб-дида, ош бўлсин, деб ўтиб кетади. Отахон узоклашганда болалар бир-бирларига навабат бермай қурқашади.

— Мана шу тутни ёшдикларида Муслим отам экан эканлар...

— У иккинчинг ўзлари эканлар, экирданлар, ренс бўлганлар ўша вақтда...

— Яхши билмас экансиз, меннинг дедимлар ўз кўзларини билан кўрган эканлар, Муслим отамлар эканларини, Болаларнинг бу гапини баъзан Муслим отанинг ўзлари ҳам эшитиб қолардилар. Навбатдаги тутўрлик пайтда у болаларини йиғиб, шундай деди:

— Бир одам ариқ қазийди, минг киши сув ичади. Бунақа тутдан ёш-ўн беш жойда бор-а, билсанлар. Битасини мен эканман, битасини хуану боланинг отаси экан, унингичини мана сенинг дедим «Жанна».

Шунанга болаларини қишлоқда мевали даракт экиб ўстиришга одам қандаш тушушқ бўлиб қолди. Ҳа, сенлар ҳам даракт кўнатириллар.

Муслим Пулатов болаларини эрқайиби, улар билан ҳайрлорларини, ўзининг ўн бир фарзанди дигидан ўтди. «Мевали дарактарим, омон бўлишини деб пичирлаб қўяди. Шунанга пайтда одамзот босиб ўтган йўлга қайрибди қарагини, қилган ишлари ҳисобини чамалаб кўргиси келарди.

1940 йил Муслим Пулатов бригадига бошлик қилиб тайинланди. Ҳозирдаги ўхшаш техника, имконият қақда дейсиз. Ҳатто у пайларда трактор қаллигидан омон деҳқоннинг асосий иш қуролларидан ҳисобланарди. Интилар қўлларини қаққ қилиб, эртадан кечгача кетмон қопарди.

— Шундай ақволда ҳам ҳосилимиз қаққи эмас эди... дейди Муслим Пулатов.— Уша вақтдаги мажбуриятларимизни ошириб бажарардим.

Шу йили кузда бригадирини раис қақиртирди. Хоналар тарқом секретари ҳам ўтирарди. Икковлари унинг бригадаси ишини макташди, шунда парток секретари «Сизин партияга ўтказоқчимиз» деб қолди. Бригадир ўйлаб туриб, жавоб қайтарди.

— Ишончларингиз учун раҳмат, меннинг ўзим ҳам...

Ташкилотчилик қобилияти яқин кўриган Муслим ака бир-икки йил бригадирлик қилгач 1942 йилда колхозчилар уни раисликка сайлашди. 1965 йилгача раис қилиб ишлади. Ўзининг таъбирича, шу вақтлар давомида баъзан мактабдош шизди, баъзан тағидда бардош беришга тўғри келди. Лекин иш фаслиятида тарикча ҳам доғ туширмади ўзига. Раҳбарлик қилган колхоз олдиги ўринга ҳам чиқди, ўрнда ҳам юрди, лекин қолқлар қаторига тушиб қолмади.

Ишда ва ҳаётда ибрат олса ариғуллик ишлар қилган, тири-бадаллат кекалик даврини кеңираётган Муслим Пулатовга ҳар иккадан хавас қилса эришди. У ўн бир фарзанднинг отаси. Тўрт ўғли олий маълумотли, коммунист Тўқтин Муслимов Тошкент районини Охунбоев номидаги колхозда теллиқа хўжалигини ривожлантиришда фаол меҳнат қилмоқда. У инженер сифатида теллиқлар ишини яхшилаш учун, ҳосилдорликни кўпайтириш учун курашаётди. Ҳикматулла Пулатов Ленинград электротехника институтини битириб келган, Фаргона политехника институтига ишга юборилди. У ҳозир декан ўринбосари бўлиб ишлайди. Сунатулла Пулатов яилворларда мелiorация ишларини олиб боришда олий маълумотли мутахассис сифатида коллективда ҳурмат қозонган йилгилардан.

Халқ хўжалик институтини битирган ана бир ўғли ёрдамчи буғалтар, ундан кейинги кизи Тошдула тўртинчи курсда ўқимокда. Ҳамма фарзандлари ўқимини, меҳнатини, одобли бўлганлиги учун ҳамкишлоқлари ўз фарзандларига тарбия берганларига «Муслим аканинг» ўғил-қизларига ўхшанлар, деб таъйинлашди.

Муслим Пулатов бирга шиб, бирга ишлаган ёшлардан элик кишига Ленин партиясига сафига ўтишда қафолат берган.

— Булар ҳам меннинг фарзандларим, — дейди гуруларим у, — мен уларнинг оилдаги колхоздаги иш фаолиятларини хамиша кузатиб борамен. Бирортасининг ҳам бурни қонамасин, дейман. Уларнинг мавталгани меннинг мактаганим, уларга теккан ноғда менга ҳам тағиди. Йўқ, мен едашмаган эканман. КПСС сафига ўтишга қафолат берган кишиларнинг хаммаси бир неча йилдан бери бениқсон, ахши ишлаб, одамлар ҳурматига сазвор бўлиб келмоқдалар.

— Шулардан бири беш йилдан бери колхозимизга удабурлик билан раислик қилиб келаятган Қўқор Умаров. У тажрибали кишилар билан баъзиларига эргашаятгани, улардан иш ўрганиб, ўз колхозига таътиб қилаётганили учун сазавотчилик, чорвачилик колхозимизда йилдан-йилга поғонама-поғона ўсмонда.

Анвар Тўрсунова партияга ўтаётганда қафолат берганимиз

Утган йилнинг қўн фасли эди. Колхозчиларнинг умумий мажлиси давом этарди. Президиумнинг биринчи қаторида Муслим Пулатов ўтирибди. Колхоз раис навабати келиб, отахонга сўз берарди. У қўн гапирарди. Жим-жит бўлиб қолган залда салобатли овоз янғрайди.

— Шунанга йил сизлар билан ака-ука, ата-бола бўлиб, тирич туғув ишадин, ишладик. Утизи кириқ йил бурун экан тутларимизни биз неваран-чаварларимиз мириқиб ейишяпти. Тоқ экиб, қўнат ўтказиб, боғ қилдик. Йилгиларимиз унб ўсди. Турсунбой аканинг ўғли Сабдулла ахши борғон бўлиб етишди. Мен энди бригадани бошлага топшириб, пенсияга чиқсам деган фикрга келдик. Унинглар, ўсинлар, дард қокмасын сизларга. Мен Сабдуллага шунинг учун ишонманки, унга коммунистик партия сафига ўтишга қафолат берганман. Оқ йўл, ўка, бəт сенга ер бўлсин.

Гулдурос оққишлардан зал ларзага келди. Ҳамма ўридан туриб, меҳнатда, ишларни тарбия қилишда, фарзанд ўстиришда, меҳрибон раҳбар ва устозлик намунасини кўрсатадиган хамишшоқлари қамбига сингиб кетган энг хурматли одам Муслим Пулатов шарароғда ҳарқас чаларди.

С. МАҲКАМОВ,
райондаги «Партия XX съезди» колхоз.

СЎЗ—КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ПОРЛОК ИСТИҚБОЛ

ШУ КУНЛАРДА мамлакатимиз халқлари тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаб, жонажон партиямизнинг XXV съезидан

войный ва бадий пухта сахна асарларини яратиб биз санъаткорларнинг мункадас бурчидир.

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театринининг ижодий коллективни ўтган беш йилликда ҳозирги замон мавзуда ёзилган асарларини, шунингдек, классик драматургия ва ғарбдош халқлар сўз усталарининг пьесаларини юксак дидди, талаботан тамошабинлар қўнгирага таъсия этди. Мен ҳам бир қанча пьесаларда иштироқ этдим.

Бизнинг театримиз коллективни янги беш йилликда ўз сахнасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида ажойиб намуна кўрсатиб ишлаётган олдин совет кишилари, забардаст замондошларимиз ҳақида янги сахна асарлари яратилиши ўз олдиларига мункадас мақсад қилиб қўйишган. Бу эгушнат бизларни янги излашларга, ижодий баркамолликка чорлайди.

СОРА ЭШОНТЎРАЕВА,
СССР халқ артисти.

СЎЗ—КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

СИФАТ ВА СУРЪАТ

299,6

МИНГ ТОННА ХИСОБИДА

265,5 ПЛАН

ГУШТ

128

МИНГ ТОННА ХИСОБИДА

112 ПЛАН

Бу диаграммалар тўққизинчи беш йилликда области мизда дон ва гушт етиштириш суръатларининг ўсишини кўрсатади.

СЎЗ-КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

МАШИНА ҚУДРАТИ



КОЛХОЗДА ўн саккиз йилдан буён бош инженерлик вазирасида ишлаб келмоқдаман. 1958 йилда хўжалигимизда бор йўли беш-олтита терим машинаси, ўнча ҳайдов трактори, ўн бешта чопиқ трактори мавжуд эди. Ҳар бир машина билан ўртача 20—30 тоннадан пахта терилар эди. Эндиликда эса қудратли машина — трактор паркига эга-

миз. Механизация ҳар бир соҳада деҳқонга қанот — маддот қилиб қолди. Ҳозир колхозимизда 20 та турт қаторли «Узбекистон», 7 та икки қаторли пахта терим машинаси, 70 тадан ортиқ ҳайдов ва чопиқ тракторлари ва бошқа механизмлар бор. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Утган йили машиналар билан 90,8 процент пахта териб олинди. Ҳар бир машина билан ўртача 20—30 тоннадан пахта терилганга етиб қолди.

Ажойиб механизатор кадрларимиз бор. Сирожидин Дадажонов, Сотиболди Шеримбетов, Турдибой Мавлонкулов, Мастура Асанқелиева каби ўртоқлар мавсумда кироғонга 160—260 тоннага атказиб пахта тўқидилар. Ҳар йили механизаторлар тайёрлаш курсини 25—30 га яқин киши битириб чиқди. Уларга таъриблик механизаторлар устозлик қилмоқдалар.

Бу йил ҳар гектардан 35 центнердан пахта, 200 центнердан каноп ҳосили олинмади. Яқин ҳосилнинг кам деганда 95 проценти машиналарда терилди.

КИМ ГИМ НАМ, Урта Чирчиқ райондаги «Северный аяк» колхозининг бош инженери.


СЎЗ-КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

БОҒЛАР КЎРКИМИЗ

ларни кенгайтириш — бош масаладир. Кейинги йилларда бу соҳада бир мунча ишлар қилинди. Эсини, намқосилан боғлар ўрнига 200 гектар туллари ланана бўлган олмазор боғлар яратилди. Бундай боғзорларнинг ҳар гектарыга

746 тулдан олма кўчати ўтказилди. Улар саккиз—ўн йилда эмас, уч йилда ҳосилга кирди. Умуми эътиборда фаён ва техника ютуқларидан фойдаланиб, кўл меҳнатини қамқайтириш, ҳосилдорлигини ошириш тадбирлари курилмоқда.

лиқ бригадаларда ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бораётди. Улугбек Махсумов бошим бўлиб соҳибдорлари ҳосилдорликда бошқа бўйимларга ўрнатилган бўлиб қолди. Боғроғлар — улғамиз кўрми, чиройи. Уларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш биз соҳибдорларнинг шарафини бурчимиздир.



В. Таран фотолари.

Гўзал Тошкентимизнинг бутунга жамолшга қараб тўймайсан киши. Қўли гул бинокорлар яратган осмонлар бинолар, кенг-кенг кўчалар, яшил хибоблар шаҳар кўрнгига кўрк қўшиб турибди. Айниқса, шаҳар маркази гўзаллашиб бораётган. Марказ архитектура ансамбли муаллифларининг СССР Давлат мукофоти билан тақдирланганликлари фикримизга даалдир. Ансамблга кирган ноёб обидалар тошкентликларини ҳам, шаҳар меҳмонларини ҳам қўйиб қолдирмоқда. Суратларда Ленин проспекти ва матбуот уйи тасвирланган.

ТАДҚИҚОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ПАХТА халқ хўжалигидаги аҳамиятига кўра дон, металл, энергетика ва транспорт билан бир қаторда туралли ҳамда енгил химия, электротехника, микробиология сингари кўпгина саноат тармоқлари учун ноёб хом ашё манбаи ҳисобланади. Бинобарин, пахта хом ашёсидан самарали фойдаланиш, газламаларнинг яшилдирилиши охириги ҳамда уларнинг дастлабки табиий хусусиятларини узоқ вақт сақлаб қолиш халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган масалалардир.

иссеция (жисмга тушаётган таъсири нурланган, электрик раяр, химиявий жараёнлар каби энергия манбаларидан бири таъсирида қўзғатилган жисм ёки модданинг ёруғлангани) методи асосида тадқиқ қилинди. Жумладан, пахта тозаларининг механик ҳамда биологик нуқсонини аниқлашда дурут натикалар кўлга киритилди.

СПОРТ

ФИНАЛ ЯҚИН

Бутунтўғиқ мин-футбол турнирининг финаллари бири-кетини маълум бўлмоқдалар. Финалга биричи бўлиб Тошкент турнирининг голдби Душанбанин «Помир» командаси бўламан олданигини маълум қилган эди. Ленинграддаги турнирда эса маҳаллий «Зенит» командаси барча рақибларини орта қолдириб 6 очко билан финалга чиқди. Қуни-кеча учинчи финалчи команда ҳам маълум бўлди. Тиблисда ўтказилган турнирда биричи лига вакили «Торпедо» (Кутаиси) командаси Боқунинг «Нефчи» Тиблиснинг «Динамо» ва Ереваннинг «Арабат» командаларига нисбатан кўпроқ очко жамғариб Москвага Ўзламан олди. Энди у юқоридаги командалар билан Лужинида бўлаётган финал баҳсида куч синашад.

Киев ва Москва шаҳарларида эса мусобақалар ҳамон давом этмоқда. Дастлабки учрашувда Киев динамочиларининг омади келмади. Қўпгина ўйинчилари ҳозир терма команда составида Европа чемпионлигига тайёрларли кўраётганлиги учун у «Карпат» командасига 2:4 ҳисобда ютказиб қўйди.

САФАР ТАРАДУДИ

АҚШ ҳаваскор боксчиларидан тузилган терма команда СССРга сафарга тайёрланмоқда. Ҳозир 14 боксчи танлаб олинди. Улар орасида СССР боксчилари билан илгаринги матчларда куч синашган спортчиларидан Луис Кертинс, Жэкс Кентин, Майк Спикс, Леон Спикс, Марвин Стинсон ва Жерри Куни бор.



ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МОНУМЕНТИ

Бекобод райондаги Зафар посёлкасига кирвершида бўй ростлаган Халқлар дўстлиги монументи ўтганин ҳам, кетганин ҳам эътиборга сазовор бўлаётган. Монументи москвалик ҳайкалтарош Степан Петрович Янин дойиҳаси асосида район йўл қуриш ва ремонт қилиш участкаси бинокорлари бунёд этдилар. Чапдаги суратда сиз монументнинг умумий кўринишини кўриб турибсиз. Унда эса йўл қуриш ва ремонт қуриш участкаси бошлиги Эргаш Маҳкамов лойиҳа муаллифи Степан Петрович Янинга фотурй ёрлин; тақдир этаяпти.



Т. Маҳкамов фотолари.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕИ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЛАТИН АМЕРИКАСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

КАРАКАС, 17 январь. (ТАСС). Бу ерда Латин Америкаси кенгашининг биринчи сессияси тавом бўлди. Сессияда Латин Америкаси иқтисодий системасига аъзо бўлган 25 мамлакатнинг моллия министрлари қатнашди. Латин Америкаси иқтисодий системаси «Латин Америка ва Кариб хавасидаги мамлакатларни, шу жумладан социалистик Кубани биравштирувчи ташкилотдир. Кенгаш — Латин Америкаси иқтисодий системасининг ўтган йили ташкил этилган олий органидир.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШУВЧИЛАР УЧРАШУВИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 17 январь. (ТАСС). Бу ерда жаҳон тинчлик кенгаши президиуми бюросининг февралда мажлиси ўз ишын бошлади. Жаҳон Тинчлик кенгашининг бош секретари Ромеш Чандра мажлисини очиб, Стокгольм хитобномасига иъзо тўғлаш юзасидан халқаро миқёсда ўтказилган кенгашият тугаллиди, деди. У. К. Кекконен айтдики, «Хельсинки рўзи» кейинги йилларда ҳам хуасан жаҳон тинчлик кенгаши каби ташкилотларнинг фаолиятига таъсир ўтказаверади.

АРГЕНТИНАДАГИ АҲВОЛ

БУЭНОС-АЙРЕС, 17 январь. (ТАСС). Аргентинада ўта ўнг доиралар ва фашист ташкилотлари томонидан бошланган террор яна кучайиб кетди. Кейинги ҳафта давомида Кордова вилоятининг бир ўзлагида 20 киши, шу жумладан Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Альберто Кафаратти, Вилья-консепсион шаҳрида (Санте-Фе вилояти) уч киши ўғирланди.

Январь ойининг биричи кунларида сёсий ваъилар билан 20 киши, 1974 йилнинг июль ойидан буён эса бир миндан ортиқ киши ўлдирилди. Террорнинг авж олиб кетганини мамлакат жамоатчилиги кенг доираларининг норозилик билдиришига сабаб бўлди Компартия, миллий конгресс сенати, радиокаллар, социалистлар, христиан демократлар бу террорни катъий қораладилар.

REKLAMA, ЭЪЛОНЛАР, TOHKENT SAEXAT VA EKSPYRSIA BYYOSI, JANVARY VA FEBRALY OYLARIDA SAMOLETDA, TAKLIF QILADI, SVERDLOV NOMLI KONCERT ZALIDA, TABASSUM VA TARANNUM, etc.